

ТОНГ ЮЛАДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва усмирларининг газетаси

Газета 1929 йил, 1 августдан чиқа бошлаган

№ 47 (6789)
1997 йил, 21 июнь, шанба

Сотувда эркин
нархда



*Ажаб, мўъжизага ўхшар фаввора,
Болалар бахтидан юз очар шаҳар
Тўкин ёз этагин шарбатга кўмиб,
Куёшга қоришиб боради саҳар.*

Инсонлар азалдан дўстликни қадрлаб келишган. Чунки дўстлик — инсонликнинг энг олий чуққиси, одамзоднинг энг буюк фазилатидир. Мен ҳам дўстлик ва дўстга садоқат ҳақида жуда кўп эшитганман. Китобларда ўқиганман. Лекин ҳали у қадар тушуниб етмаган эдим. Яқинда ўзим гувоҳ бўлган бир воқеа туфайли бу муқаддас туйғуларни нақадар зарурлигини ва қанчалик аҳамиятга эга эканлигини яна бир қарра англаб етдим....

Синфимизда 30 ўқувчимиз. Синфдошларим ҳаммаси ҳар-хил характерли бўлиб, бирови ўқишга, бирови ҳунар урганишга ҳавас қилган болалардир. Айниқса, синфдошларим орасида Содиқ деган уртоғимнинг табиати сал галатирок. Биз бир партада утирамиз. У ўз одати буйича ҳеч қачон бирор фандан дарс тайёрламас, фикри-зикри уйин билан банд. Ҳар гал доска олдида чиққанда муаллимларнинг саволларига ломим демас ва шунча ўқувчининг орасида изза бўлиб икки олар ва уятдан қипқизариб партага утирарди.

Баъзан унга раҳим келар, ачиниб кетардим. Бир куни шу Содиққа ёрдам берсаммикан, ҳар ҳолда унга ҳам яхши бўларди, синфдошларимиз ва ўқитувчиларимиз олдида уялиб қолмасди, деган фикр тугилди. Бу фикримни унинг узига ҳам айтгандим, у жуда хурсанд бўлиб кетди.

— Қанийди, — деди севиниб. — Бунти, ҳар куни дарсдан кейин қоламиз, деб келишдик. Мен унга:

— Сен авваламбор, уйинқароқликни йиғиштир, ҳаёлинг, фикри-зикринг урганаётган фанингда бўлсин, йўқса ҳеч нарсага эриша олмайсан, деб ўқтирдим.

У ҳаммасига рози бўлди. Ва менга бундан кейин ҳамма нарсани улаштиришга, аълочилар сафидан урин олишга суз берди. Шундай қилиб, биз ҳар куни дарсдан кейин қоладиган, мен унга утилган ҳамма дарсларни қайтадан яхшилаб тушунтирадиган, билмаган нарсаларини ургатадиган бўлдим.

Ҳақиқатдан ҳам унинг ҳаёли бошқа етда бўлгани учун, дарсларни яхши тушунмас ва қайта сурагани уялиб, ашаддий иккичига айланиб қолган экан.

Тез орада Содиқ узгара бошлади. Энди у доска олдида аввалгидай мум тишлагандек жим турмас, аксинча, утилган мавзуларни сал қийналиб булса-да, айтиб берадиган бўлди. Бу узгаришдан ҳамма, ўқитувчилар ҳам, Содиқни масҳара қилиб куладиган ўқувчилар ҳам ҳайрон эдилар. Орадан анча-мунча вақт ўтгач, Содиқ ўзи айтгандек, яхши ўқийдиганлар сафидан урин олди. Илгари ота-оналар мажлисида Содиқнинг дангасалиги ва иккичилиги туфайли нукул ерга қараб утирадиган Хадича хола бир куни хурсанд бўлиб, синфимизга кириб келдилар. Охири соат эди. Дарслар тугаб, синфдан чиқаётганимизда у киши менинг олдимга келдилар-да, чексиз миннатдорчилик ва меҳр билан пешонамдан упар эканлар:

— Раҳмат, қизим, умрингдан барака топ, қанийди, ҳамма сендек булса, — дедилар. Азбаройи ҳаяжонланганимдан кузларимга еш келди. Шунда бировга яхшилик қилиш, ёрдам қилини чўзиш қанчалик яхши иш эканлигини, дундаги ҳеч бир нарса дўстнинг шодлигию, унинг оғирлигини енгил қилишдан афзал эмаслигини янада яхшироқ тушунгандек бўлдим.

**Шамсиябону НАЖМИДИНОВА,
Бухоро вилояти, Гиждувон туманидаги Садриддин Айний номли мактабнинг 8-синф ўқувчиси.**

АЛОҚАЛАР ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг таклифига биноан Озарбойжон Президенти Ҳайдар Алиев шу йилнинг 18—19 июнь кунлари расмий ташриф билан Ўзбекистон Республикасида бўлди. Булиб ўтган музокара-ларда Ўзбекистон — Озарбойжон муносабатлари ҳар икки мамлакат давлат раҳбарларининг саъй-ҳаракатлари туфайли янгидан раванқ топиб, мустаҳкамланиб бораётгани таъкидланди. Шунингдек, минтақавий хавфсизлик масалалари ҳам муҳокама этилди. Музокара-лар ниҳоясида Президентлар Ўзбекистон билан Озар-

бойжон уртасида ҳар томонлама ҳамкорлик муносабатларини янада ривожлантириш тўғрисидаги декларация ва яна қатор ҳужжатлар имзолашди. Булар, албатта, мамлакатларимиз уртасидаги узаро дўстлик алоқаларини янада мустаҳкамлаши шубҳасиз.

АНГЛИЯ МАОРИФИ ТАЖРИБАСИНИ ҚЎЛЛАБ

Англия ўқитувчиларининг таълим-тарбия соҳасидаги тажрибаси Тошкентдаги Улугбек номли халқаро мактабда қўл келмоқда. Яқинда бўлиб ўтган кириш имтиҳонларида шу мамлакат педагоглари қатнашишди. Болалар уз билимларини инглиз тилида намоён этишди.

ЁЗ ЎТАДИ СОЗ

Ёзги таътил мавсумида ўқувчиларнинг мароқли дам олишини ташкил этиш, айниқса, Оролбуйи минтақасида истиқомат қилаётган болалар-



нинг республикамизнинг энг сулим гушаларидаги оромгоҳ ва сиаҳатгоҳларда ҳордиқ чиқариши, даволаниши учун барча шароитни яратишга алоҳида эътибор берилмоқда. Эко-

логик офат ҳудудида яшаётган болаларнинг дастлабки гуруҳи — 235 нафар ўғил-қиз Тошкент вилояти оромгоҳларида дам ола бошлади. Болаларга «Ўзбекистон темир йуллари» компаниясининг маҳсулоти поездлари хизмат қилади.


ТИНЧЛИК ЙЎЛИДА ҲАМКОРЛИК

Тошкент, Чирчиқ ва Самарқанд ҳарбий олий билим юрғларининг жамланма взводи Норвегияда утказилган НАТО дастури доирасидаги «Кооператив банкерс—97» деб номланувчи халқаро тинчликни сақлаш машқларида муваффақиятли қатнашди. Узок Норвегия юртида утказилган бу машқларда бизнинг учта ҳарбий олий билим юрғимиз

вакиллари хорижий тайергарлиги халқаро андозаларга мос эканини «Кооператив банкерс—97» тинчликни сақлаш машқлари қатнашчилари ҳам тан олишди.

БОЛАЛАР КУНИ

Паркент туманида шундай клуб иш бошлади. Унинг дастурига кура усмирлар, ёзги таътилга чиққан куйи синф ўқувчилари вақти-вақти биланмазкур масканга тупланиб, ҳуқуқий билимлар буйича сабоқ оладилар. Машғулотларни туман маъмурий идоралари ходимлари, маҳаллалар фаоллари олиб борадилар. Клубнинг асосий вазифаси болалар уртасида қонунбузарликнинг олдини олишга қаратилган.



Ҳужжатлар қабул қилишга ҳам саноқли кунлар қолди. Юридик коллеж ҳовлисига кириб борар эканмиз, коллеж ҳақида жуда кўп эшитганимиз, кўплаб яхши ҳуқуқшунослар етказиб беришини билганимиз учун ҳам унинг биносини бошқачароқ тасаввур қилган эдик...

Лекин у ернинг қуримсизлиги кишини таажжубга солади. Бунинг устига автобуслар қатнайдиган катта йулдан анчагина ичкарига кириб бораркансиз.

Биз коллеж биносидан ҳужжат топшириш учун қандай

— Узингизга маълум, ҳуқуқ соҳасини орзу қиладиган ёшлар анчагина. Шунга қарамай, баъзан ота-оналаримизнинг қийноқ-қистовлари билан уқишга мажбуран келадиганлари ҳам топиларди. Ва бу уқиш жараёнида сезилиб қолар, бола ўз-ўзидан уқишни ташлаб кетишга мажбур буларди. Тест бизни мана шу қийинчиликлардан қутқарди, ишларимизга осонлик яратиб берди. Масалан, олдинлари синов-имтиҳонлари яқунлангандан кейин эшигимиз олдида олдимизга кириш учун ота-оналар навбат кутиб, чиқмаган жондан умид, қабилида

Сунгги кунгироққа яқин кунлар эди. Уқувчиларнинг қулоқлари динг, уқитувчи эса утилган дарсларни тушунтиряпти. Шунда бирдан ойна чил-чил синиб, ер билан битта бўлди! Уқувчилар дераза томон югуришди ва «Малла», «Малла», — отибди тошни, ана қочиб кетаяпти! — деб қичқиришди. Аммо Малла жуфтакни ростлаб қолган, уни ҳозир ерданам, кукданам топиб бўлмасди.

«Малла» узи ким? Нега уни ҳамма танийди? Малла — 12-13 ёшдаги боланинг асл исми Маъмуржон бўлиб, сариқ булгани учун «Малла» бун кетган. Маъмурнинг она-отаси ажралиб кетди-ю, у тоғаси қўлида қолди. Катталар билан катталардек сурашар, кичикларга қитмирлик қилиб утарди. Хуллас, маҳалланинг ҳамма кичкинтойлари ундан безор. У яшайдиган уйнинг эшиги шикоятчи қўшнилари дағдасидан қаттиқ епилавериб гичиллаб қолганди. Малланинг қулоғига гап, баданига калтак утмасди.

Бир куни денг, қоқ пешинда ҳамма уй-уйига кириб, мазза қилиб дам олишмоқда эди. Шунда бирдан

ларни роса «дуппослади». Мен ундан хафа бўлдим, уйига кунгироқ қилдим. Талабалик йилларимизни, пул топиш учун дарсдан буш вақтларимизда ишлаганларимизни эслатдим...

— Ёш болалар тугул ўзимиз ҳам ўз ҳуқуқимизни яхши билмаймиз. Ҳозирги кунда чи-

Боглаб қўйган эмас болаларни ҳам...

Абдулла ОРИПОВ

ваҳимали овоз эшитилди. Ҳов-

чиларнинг қулоғи динг, уқитувчи эса берилиб дарс утарди. Шунда бирдан Ш-а-р-а-қ этган овоз ҳаммани кузга-тиб юборди. Юрагим шу-

ЎЗИМИЗНИНГ «МАЛЛА»

лига югуриб чикдим, не куз билан курайки, Малла тутунлар орасида ура қочмоқда эди. Тутиб олдим. Нима қилганинг бу, десам, қурқувдан қуларимга бақрайиб: — Узим атом бомба ясадим. Сизнинг ҳовлингизда синаб курдим, — деди ва — Жон опа, кечиринг, иккинчи қилмайман, — деб чунонам йиғладики, раҳмим келиб, қўйиб юбордим.

Кунлардан бир куни шум хабар тарқалди. «Ўзимизнинг Малла, машинада авария бўлиб улибди». Бир неча вақт гангиб юрдим. Кечагина бизга палос ювишган, сув сепиб, шўхлик қилган бола, бугун йук!

Усиз маҳалла ҳам ҳувиллаб қолди. Мактабларда ойналар синмасди, баҳайбат бир жимлик ҳоким эди.

...Дарсга кунгироқ чалинди. Ҳамма дарсга кирди. Уқув-



виллаб кетди. Малла! Малла отганмикан тошни? Йук, у улган, улган одам тирилмайди! Жон ҳолатда деразага югурдим. Қуларим жовдираб уни қидирарди. Лекин у Маъмур эмасди. Олма қоқмоқчи булган болакай деразани синдириб қўйганидан ура қочарди...

Гўзал ОТАЖОНОВА,
Акмал Икромов номли
185-ўрта мактаб
битирувчиси.

ЎҚИШГА КИРОЛМАСАНГ, ЎЗИНГНИ АЙБЛА...

маълумотномалар кераклигини сураб келган абитуриентларга дуч келдик. Улар орасида қашқадарёлик Зиёдулла исмли бола ҳам бўлиб, у иккинчи йил ҳужжат топширишга тайёрланиб юрибди экан. Зиёдулла Сатторов утган йили тест синовларидан утолмагани учун узини айблаётганини куриб қувондик. Чунки олдинлари, бундан 5—6 йил аввал абитуриент уқишга киролмаса, узини эмас, имтиҳон оловчи уқитувчини кўпроқ айбларди-да.

Биз қабул ҳусусида коллеж директори Миршоҳид Мирхамидович Мирхамидов билан суҳбатлашдик.

— Қабул билан тест маркази шугулланади — деди директор — Биз тест марказига абитуриентларнинг ҳужжатларини қабул қилиб олиб, уларнинг орқасидан келадиган ота-оналарга қўлимиздан келганча шароит яратамиз.

— Олдинги талабалар билан ҳозирги талабалар ўртасида қандай ўзгаришлар кўряпсиз?

болаларини уқишлари учун ердан беришимиздан умидвор бўлиб утирардилар. Ҳозир мана шундай номаъқулчиликларнинг олди олинди. Мен шу нарсани хурсанд бў-

Истак

либ айтишим керак, бизнинг уқув юртимизга ҳужжат топшираётган жамики йигит-қизлар жиноятчиликка қарши курашаман, деган руҳ билан келдилар.

— Миршоҳид ака, талабаларнинг бозорларга чиқиб, пул топиб савдо-сотик қилишларига қандай муносабатдасиз?

— Агар дарсдан кейин булса, қаршимасман. Бозорга бориб тирикчилик қилишнинг нимаси ёмон? Арава тортиб, бировнинг оғирини енгил қилишнинг нимаси ёқмаяпти? Ахир, у безорилик қилаётгани йук. У узининг тўккан терлари эвазига пул топяпти. Яқинда бир курсдош дўстим телевизорга чиқиб, бозорда савдо қилаётган талаба-

қайтган янги қонунлар ҳақида, ҳуқуқни тарғибот қилишдаги имкониятларингиз ҳақида тўхталсангиз.

— Ҳозирги яратилган Конституция янги фанлар, янги дастурлар асосида вужудга келди. Бизнинг коллежда ҳам янги уқув дастурини яратдик. Уқиш процессларини тубдан янгиладик.

Масалан, фалакшунослик уқитувчиси уз фанига оид, тарих уқитувчиси тарих фанига оид барча тарихий ҳуқуқларни билиши керак. Бизнинг талабаларимиз шу йилдан бошлаб, мактабларда дарс утишлари учун ҳуқуқ маданиятини, ҳуқуқ савиясини халққа синдириб боришлари учун радио ва телевидение орқали чиқишлар қилиптилар. Нотиқлик санъати ҳам керак-да, ҳуқуқшуносага. Бу санъатни болалар китобхонлик, билимдонлик орқали урдалайдилар. Бу йилда уларга омад тилайман.

Суҳбатдош: **Наргиза РУСТАМОВА.**



БИРИНЧИ ЎҚИТУВЧИМ

*Илк бор юриш-туришга,
Элга салом беришга,
Синфимизга киришга, —
Ҳарф, ҳисоб ўргатган ким? —
Биринчи ўқитувчим!*

Бу шеърни бу йили биринчи синфни аъло баҳолар билан битирган уқувчилар: Саида Абдуллаева, Нигора Ҳайдарова, Сайёра Урмонова, Саломат Назиржоновалар сунгги кунгироқ чалинадиган куни бараварига ёддан айтишиб, биринчи уқитувчилари Мунира опа Ҳайдаровага гуллар тутишганди. Мунира Ҳайдарова Зангиота туманидаги 38-ўрта мактабда уттиз уч йилдан бери биринчи синф уқитувчиси бўлиб ишлайдилар. Шу маҳалгача мингдан ортиқ уқувчиларга алифбони ургатиб, юқори синфларга парвоз эттирганлар. Ҳозирги кунда Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси, республикада хизмат курсатган уқитувчи Мунира опа Ҳайдарова бу йили биринчи синфни тугатган уқувчиларини турли жойларга экскурсияга олиб бориб, музейлар ва ҳайвонот боғлари, қадимий асори атиқалар билан таништирмоқдалар.

Нилуфар САМИФОВА.
Сураткаш Холмурод ТОШМУҲАМЕДОВ.

ДАРЁЛАР — ТОҒЛАР «ТИЛИ» ДИР

Азиз укўвчимиз, биз билан сайёҳатга чиқишни хоҳлайсизми?

— Қаёққа?
— Қамчиқ довони оша Фаргона водийсига.

— Эҳа, ҳалиги катта йўл қурилиши бўлаётган томонгами?

— Довруғи дoston бўлган Фаргона водийсигами?

— Қизиқиб қолдингизми? Демак, сафарга розисиз. Унда машинага утиринг. Фақат шартимиз бор. Сизлар қизиққан нарсани сураверасизлар, биз эса иложи борича жавоб бераверамиз. Ҳозирча машинада утирган сафардошларимизни таништирмаймиз. Улар билан фурсати келганда узингиз бақамти бўлиб оласиз.

— Бу қандай машина? Жуда чиройлик, шинам-ку. Тез юришини қаранг.

— Бу машинанинг маркаси «Мазда», японларники. Соати 200-240 километр босади. Мана қарабсизки, ҳаш-паш дегунча Қурама тоғ этакларида пайдо бўлди.

— Чап тарафдаги анови чиройли шаҳарнинг номи нима?

— Оҳангарон шаҳри.
— Унг тарафда ёйилиб оқаётган дарёнинг номи-чи?

— Оҳангарон! Қаранг, сумбул сочларини гоҳ ёйиб, гоҳ йигиб оқмоқда. Энди мана шу дарё ҳақида икки огиз Сизга сузлаб берамиз. Чунки бундан бугундаги сафаримиз ана шу дарё билан боғлиқ. Утмишга қулоқ тутсақ бундан бир ярим минг йил муқаддам қадимги Ипак йули худди шу дарё узанидан утган.

— Нимага энди худди шу дарёдан?

— Сизга айтсам, тоғ дарёлари бу шунчаки сув манбалари эмас, улар уз узанлари буйлаб одамларни тоғ ичкариларига бошлаб, олиб кирадилар. Сув боқ жойда одамлар адашмаганлар. Чунки оқим буйлаб юрган киши, албатта, водийга чиқади.

— Демак, тоғлар бағриларидagi дарёлар йўл кўрсатиш вазифасини ҳам бажарган экан-да?

— Бирламчи қараганда худди шундай. Лекин тоғ дарёларини олимларимиз худди тоғларнинг «тили»га ухшатганлар. Дарёлар узи пайдо бўлган тоғлар ҳақида гапирган. Масалан, кимегар дарёдан бир қултум сув олади-ю, уни текшириб, тоғлар бағрида қандай кимевий моддалар мавжудлигини айтиб бера олади. Маъданшунослар ҳам маъданларни ана шу сувлар оқизиб келган тошларга қараб аниқлаганлар. Оҳангарон воҳасидаги олтин, кумир, мис, рух, оҳак, гулватар ва шунга ухшаш қазилма бойликлар худди шу йўсин кашф этилган. Масалан, Оҳангарон кумирининг топилишини олайлик. Қадим-қадимда бу этакларида яшаган аҳоли, дарё сувлари музлаганда иссиқ булоқлар бағрига борганлар. Учоқлар қуриб, қозонлар

осиб, сув иситганлар. Аёллар кир ювганлар. Бундай ҳоллар айниқса, илк баҳор кунлари Навруз байрамларида янада авж олган. Шунда одамлар учоқ атрофига терилган тошларнинг айримлари узидан ҳарорат чиқариб, ёнаётганлигининг гувоҳи бўлганлар. Бу ҳол, айниқса кечалари ажиб манзаралар кашф этган. Одамлар ҳайрон бўлишган ва «ёнувчи тошлар» ҳақида ривоятлар туқишган. Одатда маъдан қидирувчилар купроқ ривоят ва афсоналарга таянадилар. Биринчи марта рус олими Чегеризов 1933 йили Оҳангарон водийсида ёнувчи тошларни қуриб кумир захираси борлигини аниқлайди. Ва бу захира қирқинчи йилда очилади. Бу кумир билан иккинчи жаҳон урушида Тошкентга кучириб келинган купгина заводлар ишлайди. Ҳа, захира урушда галаба қозонишга хизмат қилади. Ҳозирги пайтда юртимизга электр энергиясини тарқатиб турган Оҳангарон ГРЭСи ҳам шу ёқилги билан ишлайди.

Биз Сизга ҳикоя қилаётган Оҳангарон дарёсининг узунлиги 236 километр, у Чотқол ва Қурама тоғ тизмалари учрашган жой — Қамчиқ довонидан

улкан бир тоғ бутун бир водийни тусиб турарди. Уни қайсидир азамат шундоқ елкасига олибди-ю, дарё узанига улоқтирибди.

— Бу ким дейсизми?

Сизнинг севимли шорингиз «Гулхан» журналининг бош муҳаррири Сафар Барно. У шундай дедию, сукут сақлагандек жимиб қолди. Биламан, бу улкан қурилиш майдонидан булажак шеърлари учун суз теряпти. Ёки янги ҳикояга мавзу изляпти.

— Эслайсизми, — дея менга қаратган анови кузойнакли,

Ифтихор

сочлари патала киши Ёқуб Хужасев булади. У «Сольнишко» газетасининг бош муҳаррири. У менга бундан бир неча йиллар муқаддам денгиз буйи болалар оромгоҳи «Артек»ка борганимизни эслатмоқчи бўляпти. «Троллейбус ҳам юрар экан-да, дейди у ишонч билан. Биз «Артек»ка борганимизда Симферопол шаҳридан Қора денгиз буйигача булган масофани троллейбусда босиб утган эдик. Беихтиёр кузим йул буйлаб қад рост-

ламоқда. Бир сменада 200 тоннагача асфальт ва бетон қоричмасини тайёрлайдиган завод ҳам ишга тушган.

— Туннелларни кўрса бўладими?

— Ҳа, ҳозир кураимиз. Яқинлашиб қолдик. Ана туннелларнинг пештоқлари қуринмоқда. Улар биздан жуда пастда. Янги йул ана шу пастликдан утади. Шунинг учун ҳам у ерда ишлайётган техникалар кузга уйинчоққа ухшаб қуринади.

— Тоғда арчазорлар, ажойиб дам олиш манзиллари, чойхоналар, ошхоналар кўпми?


— Кўп. Энди одамлар тоғларига вақтинчаликка эмас, доимий яшашга ҳам кела бошладилар. Тоғ бағридаги анвойи чиройли уйлар, гишттин чойхоналар, кафелар, ётоқхоналар, уларнинг бари хусусий. Келажакда мана шу йул туфайли бу жойлар Ўзбекистоннинг Швецариясига айланса ажаб эмас. Ҳа, бугунги пайтда қайта тикланаётган Ипак йули ҳам шу йулда қайта яшай бошлайди.

ВОДИИ ЙЎЛЛАРИ

Қаранг, қурилишлар ва та-

Эркин МАЛИКОВ

1. ОДАМЛАР — ЮРУВЧИ КИТОБЛАР



Ўзбекистон Давлат матбуот кўмитаси йўриғи билан

бошланади. Унинг Арашон, Қамчиқсой, Ертошсой, Дукенсой, Қорабайирсой, Ниёзбоши каби унлаб irmoқлари бор. Оҳангарон дарёси уз сувини 1960 йилларда барпо этилган Тошкент сув омборига келтириб қуяди. Мана, дарё билан ҳам танишиб олдингиз. Бундан бугунга биз ана шу дарё узани буйлаб Қамчиқ довони сари илдамлаб борамиз.

ШОИР ҲАЙҚИРИҒИ

Ана машина мотори сезилар-сезилмас зуриқяпти. Демак, тоғ йули бошланди. Олдимиздаги ана шу муолишдан кейин дарё узани мана мен деб шундоқ кузга ташланади. Ана айтмадимми! Эҳа, бу ер бутун бир қурилиш водийсини эслатади-ку. Камазлар, бульдозерлар, экскаваторлар, бургу машиналари... Қаранг, улар йул буйлаб — бир неча чақиримлар масофада ишляпти. Бутун республика йул қурувчилари бу ерга кучиб келгандек. Ана сафардошларимиз ҳам уйқудан уйғонгандек атрофга ҳайрат ва ҳаяжон билан тикилишмоқда.

«УЙҒОН ХАЛҚИМ — УЙҒОН ҚАЛБИМ!»

— Бу кимнинг ҳайқириғи?

— Шоир Нормурод Нарзийнинг. У киши ҳам биз билан сафарга отланганлар. Унлаб китоблар муаллифи. Юзларча шеърли қушиқлар ижодкори. Сиз сезмайсиз. Машинада боратган 14 кишининг ҳар бирида ана шундай Ватан туйғуси, уйғонини, фахр жунбўшга келиб турибди. Гуе уларнинг дилидагини шоир бир суз билан ифода этгандек.

— Епирай, мен бундан роп-роса бир ой муқаддам худди шу ердан утган эдим. Бу ерда

лаган баҳайбат темир симёғочларга тушади. Еш боланинг билгадиге келадиган йўғон симлар солқи-солқи бўлиб, тоғ ичкарисига кириб кетган. Балки троллейбус ҳам юрса ажаб эмас.

— Энди ушбу тоғ йули ҳақида икки огиз. Ҳозир тоғ йулида Тошкент, Наманган, Андижон, Фаргона йул қурувчилари, республикамиздаги жамики йул билан боғлиқ корхоналар, идоралар, ҳиссадорлик жамиятлари — ҳаммаси бу ерга кучиб келганди. Йулнинг кенглиги 30 метр бўлиши керак. Йулни кенгайтириш Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкент — Уш автомобил йулини Қамчиқ ва Резак довони участкаларидан туннеллар қазиган ҳолда реконструкция қилиш ва қуриш ишларини жалалаштириш» тўғрисидаги қароридан кейин тезлашиб кетди.

— Демак, ер ости туннеллари Қамчиқ ва Резак довонлари тағидан ўтар экан-да.

— Ҳа! Бу икки довон асосан сув айирғич ҳисобланади. Қор сувлари ярми Оҳангарон дарёси томон оқса, нариги тарафи Фаргона водийси томон оқади. Довон йулнинг энг юқори нуқтасидир. Баландлиги денгиз сатҳидан 2268 метр. Ҳозир қатнаётган машиналар учун ана шу довон ноқулайлик туғдирмоқда. Оғир юкли машиналар, автобусларнинг утиши учун хавфлидир. Айниқса, қиш пайтларида довондан ўтиб бўлмайди. Йуллар бекилиб қолади. Йулнинг кенгайтирилиши ва туннелларнинг қазилиши бу ноқулайликни бартараф қилади. Ҳа, туннеллар тоғ чуққисидан эмас, балки ана шу тоғнинг деярли тағидан утади. Бу дегани ҳамма русумдаги техникаларнинг утиши учун қулайлик пайдо бўлади. Йул қурилишида 410 от кучига эга булган АҚШнинг «Катпеллар» Япониянинг 300 от кучига эга булган «КОМОЦО» русумли бульдозерлари ҳам иш-

биат гузалликларига андармон бўлиб Қамчиқ довонидан утганимизни ҳам сезмай қолдик. Бундан бугунга водийнинг текис, равон йуллари бошланади. Менинг назаримда, бунақа чиройли йуллар фақат Фаргона водийсига хос бўлса керак.

— Нега ундай дейсиз?

— Мен бир сафар водийда булганимда йул мутахассислигига алоқаси булмаган бир одамга йулларни мақтаб қолдим. Шунда у:

— Ахир, шундоқ ҳам бўлиши керак-да, тир айланамиз тоғ булса, шағал деҳқончилик, — деган эди.

Йулларнинг яна бир узига хослиги йулнинг икки чеккасига кета-кетгунча маржондек тошлар териб қуйилган. Улар эринмасдан оҳак билан оқлаб ҳам қуйилган.

— Қизиқ, нега бундай қилишганини? Кўзга чиройли кўриниши, худди саранжом-сарништа ҳовлини эслатиши учунми? Буям бир маданият, фарғоналикларга хос бир санъатдир.

— Агарда безак учунгина десак янглишамиз. Булар йул ҳаракати хавфсизлигини таъминлаб берадиган омиллардан биридур. Водийда велосипед ҳайдовчилар жуда кўп. Кечалари улар йул чеккасидан юрадилар. Бунда оқланган тошлар узидан нур таратиб, йулнинг чегарасини билдириб туради. Айни пайтда бу машина ҳайдовчиларга ҳам жуда қул келади. Узига хослик деб шунини айтсалар керак-да.

ОЛТИН БОШОҚЛАР

Водий буйлаб бормоқдамиз. Куз олдимида уч хил манзара. Ҳосилдан бошоқлари эгилган бугдойзорлар, кум-кук пахтазорлар ва боғлар. Очик майдонларда комбайнлар ишлямоқда.



Томорқалар ва боғлардаги бугдойларни эса одамлар узлари уриб олишяпти. Дон стилган ҳар бир соат ганимат.

— Нимага бунча қистов? Шошилмасалар бўлмайми?

— Биринчидан, бошоқлардаги донлар чатнаб ҳосил нобуд бўлади. Иккинчидан, бугдойдан бушаган ерлар шудгорланиб урнига пешма-пеш иккинчи ҳосил экилиши лозим. Иккинчи ҳосил чилла сувига қонмас экан пишмайди. Ана пол-пол қилиниб сувга тулатилган далалар. Бу бугдойдан бушаган ерлар. Шоли экишибди. Она еримиз бугун олтин бошоқни ундириб бизга иссиқ нон тутса, эртага марварид гуручлардан лаган-лаган ош тутади. Бу қадар саховат. Бир йилда икки бор ҳосил. Бундай сахий иқлим қайси улқада бор? Фақат бизнинг Оллоҳ ярлаққан, Хизр назар қилган юртимиздагина шундай.

— Утган йили сабзи, картошка, турп, шолғом, пиёз мўл бўлди десак, бугдойдан бушаган ерларга экилган экан-да.

— Тоғдингиз. Ахир, ҳазилакамми, яқин 1 миллион гектар суғориладиган ерларга дон экилмоқда. Шунча ерга иккинчи бор ҳосил экилади-да. Мул-қулчилик ана шундан-да.

Сиз ана қул билан урилган бугдой бошоқларига эътибор қилинг. Улар пала-партиш ташланмаган, балки бошоқлари шимол тарафга-ю, тулпарни қуёш йулига қараб ётқирилибди.

— Қизиқ, бунда қандай ҳикоят бор?

— Поядаги намлик қуёш тигида бошоққа қараб интилади. Баъзи пуч донлар тулади. Шу билан бирга бошоқ чатнаб, дон увол бўлмайди. Агарда аксинча бўлса-чи? Унда бошоқдаги намлик тескари тарафга — пояга қараб интилади. Натижада баъзи донлар пуч, бошоқлар эса чатнаб дон нобуд бўлади.

— Эҳа, ўрнингнинг ўзида қанча сир-асрор бор экан.

Қадимдан ота-боболаримиз мана шунга амал қилиб келганлар. Агарда битта бошоқдан битта дон тукиладиган булса бир гектарда 100 кило галла йўқолади деган суз.

— Қадимда ота-боболаримиз бугдойни қандай янчганлар?

У пайтларда комбайн бўлмаган-ку?

— Мен болалигимда қурганман. 50-йиллар эди. Бугдой бошоқлари «хуб» билан янчиларди. Хуб деганлари бу хирмон уртасига йўғон қозикқа ухшаш нарсга қоқиларди-да, унга туртагача ҳукиз қушиб ана шу қозик атрофида айлантириларди. Пешма-пеш ҳукизларнинг туеклари тагига бугдой бойламлари ташланарди. Бугдой ана шу ҳукизларнинг туеклари остида янчиларди. Ҳукизларни биз еш болалар ҳайдар эдик. Кейин дон сомондан шамолда соғурилиб, ажратилар эди. Ҳозир мана далаларимизда кунига 25-30 тоннагача галлани сомондан ажратадиган Американинг «Кейс» русумли комбайнлари ишлямоқда. Галла бу йил ҳар йилгидан ҳам мул бўлди. Худо хоҳласа Ўзбекистоннинг уз галласи узига етади. Бу — галла мустақиллигига эришдик деган суз.

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

— Булди, айб бизда. Эртага бозорга тушиб уша шампунингизни тулаб берамиз.

Жамшид мамнун ҳолда менга тикилиб турарди.

— Нега бундай қилдингиз, той бола? — сурадим ундан.

— Агар шампунда чумилтирсак, ундан яхши ҳид келиб туради. Узи яхши, ёқимтой, ҳиди ҳам ёқимтой булади.

Нима ҳам дердим, кулиб қўя қолдим. Тойчоғим бирам мамнун, бирам мамнун булдики...

Уйда янги газеталарни кўздан кечириб утиргандим, Жамшидхоннинг овози эшитилди. У қандайдир ашулани астойдил куйлаётганди. Дикқат билан қулоқ солдим.

Менинг шундай мушугим бор,

Кўзи мовий, ўзи ола. Олатойим, олатой, Доим бўлгин сен омон.


Навруз байрами муносабати билан барча невараларим, олатдагиск бизникида тупланишди. Ҳовлига тушишгач, табиийки, ҳаммасининг эрмаги яна уша Олатой булди. Жамшидхон менга таниш хиргойисини айтди. Тоза чапак, қий-чув булди. Бир вақт қарасам катта неварамнинг қулида қоғоз-қалам. Бири ундай деярли, бири бундай. Хуллас, ҳаммаси биргаликда уша турт қатор шеърни давом эттиришгачи. Бахтимизни қаранг, эшикдан ён қўшнимиз — шоир Назармат ака кириб келса буладими? Қизиқсиниб даврага биз ҳам қўшилдик. Тортигув-талашувлардан сўнг «Олатой ҳақида қўшиқ» (агар шундай деб атаб булса) дунга келди. Мана у:

*Менинг ола мушугим бор,
Кўзи мовий, ўзи майин.
Жуни майин, шўх атайин,
Майин боқишлари бор.
Олатойим, Олатой,
Омон бўлгин эркатой.
Кўзларинг учқунга ўхшар,
Думларинг тўлқинга ўхшар
Эркаланиб сурканганинда
Сенга дил меҳримиз жўшар.
Олатойим, Олатой
Омон бўлгин эркатой,
Овунчоғим, эркатойимсан,
Қадрдоним Олатойимсан,
Кўринг, дўстлар чиройини
Туғанмас қувончимсан.
Олатойим, Олатой
Омон бўлгин, эркатой.
Сакраб-сакраб ўйнайвер,
Ўйнаб уйда яйрайвер.*

*Жамшид чақирса агар
Ноз қилмасдан келавер.
Олатойим, Олатой,
Омон бўлгин эркатой*

Бу сузларни қандайдир куйга солиб, купчилик булиб, биргаликда ашула қилиб айтишди.

Яширмайман, тулқинланиб кетдим. Шу беозор бир жони-



димоғ қилмаган менга дедиму, эътибор бермадим.

— Кейин нима булди? — сурайман яна.

— Бир кун қовоқ-димоғ қилиб ётди. Овқат берсам, қайрилиб ҳам қарамади. Кейин десангиз, раҳмим келди. Бугун эр-

Исмоил СУЛАЙМОНОВ.

ОЛАТОЙ ҲАҚИДА ҚИССА



ши кайфиятда қайтиб келдим. Уйдагилар билан ҳол-аҳвол сурашгач, гал Жамшидхонга келгач, табиийки, Олатойни ҳам сурадик.

— Ола буталог қалай, той бола?

— Икки кун булди, ҳеч нарса емаяпти, чақирсам бир қарайдию, яна тескари бурилиб олади. Эркаланмаяпти, ҳеч ким билан уйнамаяпти, — неварам кимдандир упкаланиб, дардини туркарди менга.

— Нега бундай булди, — деб атрофдагиларга назар ташладим. — Кимдир хафа қилган булиши мумкин, ёки тоби йўқмикан...

— Шу узиям, мушук деганни шу қалар эрка қиладиларми, тавба, — деб опоқ ойингиз гапга тушдилар. — Сиз йўқсиз, неваралар мактабда, шу десангиз зерикдим, менга келиб суркаланаверди: Эй, шилқим булмай кет, дедим-у, сал туртиб юбордим. Булди, шунинг узи ётди унга. Шундан бери аразда. Бо, энди сен бормидинг фироғ-

талаб силадим, яхши гаплар айтдим. Бир қарагандек булдила, яна угирилиб олди. Вой, ордона қолинг, аразламай, дедим. Кулгим қистайди, аразлашни ким куйибди, бунга. Вой тавба, боласини боласи десанг, мушугига ҳам бурнингдан ортиқ гапира олмасанг.

Шу тобда Черчилл ҳақидаги китобда, ёзилган бир воқеа эсимга тушди. Уша Англиянинг собиқ бош вазири марҳум Уистон Черчилл мушук боқаркан. Дала айланса ҳам, овқат пайтида ҳам, ҳатто у-бу ёзиб утирганда ҳам мушуги ундан ажралмас экан. Бир куни дала ҳовлисида эсдаликларини қозғашга тушираётган экан. Хаёл билан, иш билан булиб, анча вақт мушугига эътибор бермапти. Бу ҳолат бароқвойга алам қилганми, ё бошқа сабабданми, кела солиб, тик турган ҳолатда олдинги икки оёғини шаҳд билан эгасининг тиззасига куйибди. Борлиқни бутунлай унутган Черчилл чўчиб тушибди. Бунинг устига бароқвойнинг тирноқлари унинг шими устидан утиб, баданига ҳам санчилган экан. Жон аччиғида Черчилл мушукни шаҳд итариб юборган. Бароқвой эса умбалок ошиб тушган экан. Шундан кейин у ҳовлига чиқиб кетган. Кечки пайт уни қидиришган. Хизматкорлар атрофдаги урмонни ҳам кезиб чиқишган. Бароқвой ҳеч қасрда йўқ. Эртасига ҳам у қуринмаган. Учинчи кунга келгач, Черчилл ҳаловатини йўқотган, узини қуярга жой топа олмаган. Шунда у иккита катта дарахтга радио карнайини урмонга қаратиб, урнаттирган. Узи эса микрофонни кулига олиб, қайта-қайта шу сузларни такрорлаган:

— Бароқвой, сен айбдор эмассан, ҳамма айб менда, кечир мени, келақол, ярашамиз. Бу ҳам етмагандек бу сузлар-

ни катта-катта ҳарфларда ёздириб, икки дарахт орасига остириб қуйган.

Унинг ёлборишлари таъсир қилганми, ёки очлик мажбур этганми — ҳар ҳолда шундан кейин бароқвой қайтиб келган экан...

Уйдагиларга шу воқеани сузлаб бердим.

— Тавба, ё тавба, шундай кап-катта одам шунақа бачкана ишлар билан шугулланса, — опоқ ойингизнинг мен сузлаб берган ҳикоя ҳақидаги қатъий хулосалари шу булди.

Лекин шунга қарамай, Зафархон ва Жамшидхон билан биргаликда Олатой олдига бордик.

— Олатойжоним, эркатойгинам, бувимлар билмай шундай қуллари тегиб кетибди. Кечира қол, жон буталогим, — кичик неварамнинг жавдираб сузлашларидан кўнглим эриб кетди.

— Биз — ҳаммамиз сени яхши кураимиз, буни узинг ҳам биласан, қуй энди — аразлама, — неварамнинг каттаси қўшимча қилди.

Мен ҳам четда қолмай, дедим-да, унга яхши сузлар айтдим, силаб-сийпаладим. Қай куз билан курайки, Олатой бизга қайрилиб боқди, секин урнидан турди-да, боши билан Жамшидхонга, олатдагидек, майин сурканди.

— Ура! — деди невараларим, — яраш-яраш булди, Олатой гапимизга тушунди, — бирдан у менга қараб мурожаат ётди, — долажон, гапимизга тушунадими?

— Ҳа, ҳаммасини тушунади, яхши гапни ҳам, ёмон гапни ҳам, фақат бу жониворда забон йўқ сузлагали, булмаса сенга у уз миннатдорчилигини албатта, айтган буларди. Фақат мушук эмас, балки барча жониворлар ҳам ким қандай муносабатда булаётганлигининг фарқига боради, шунга қараб узини тутлади.

Неварам жиддий қисефага кириб уйланиб қолди.

Забони йўқ бир оддий хайвонки купол гапни, утирмайдиган муомалани кутара олмаса, яхши-ёмоннинг фарқига борса, у ҳолда барча мавжудотларнинг гултожи булмиш инсон, унинг гулдан ҳам нозик юраги оғирроқ гапни қандай кутарсин? Муомалада ниҳоятда эҳтиёт бўлмоқ зарур — Олатойнинг аразидан чиқарган хулосамиз шу булди.

(Давоми бор)


РАССОМ ХАНДАСИ



— Мана буни қараглар, кўни билан копток ўйнаб, ўзи ҳам копток бўлиб қолибди.



«Марс» едингми ё улар тишининг?...



Замонавий шпарталка
Рассом Тоҳир КАРИМОВ.

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ,
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚўМИТАСИ

Бош муҳаррир Умида АБДУАЗИМОВА
Таҳрир ҳайъати:

Муртазо СУЛТОНОВ, Жаббор РАЗЗОҚОВ, Гулнора
Йўлдошева, Шермат ЁРМАТОВ, Ҳотам АБДУ-
РАИМОВ, Муқимжон КИРФИЗБОВ, Дадахон
ЁҚУБОВ, Исфандиёр ЛАТИПОВ, Юсуф
ШОДИМЕТОВ, Феруза ОДИЛОВА.

IBM компютерида терилди ва
сахифаланди. Оффсет усулида
босилди. Ҳажми 1 босма табоқ
Буюртма — Г-0375.
10960 нусхада босилди.
Қоғоз бичими — А-3.
Босишга тошпириш вақти 19.00
Тошпирилди — 18.30
Навбатчи муҳаррир Х.Рустомова.

• Рўйхатдан утиш тартиби
№ 000137
• Манзилимиз: 700083,
Тошкент шаҳри,
• Матбуотчилар кучаси,
32-уй.
• Нашр курсаткичи: № 64563
• Телефон:
33-44-25